

Карши шаҳар ҳокимлиги  
хузуридаги Тадбиркорлик  
субъектларини давлат



«Qashqadaryodonmahsulotlari ӨЗИК»  
акциядорлик жамиятининг 2014 йил  
«31» солтүрк даги умумий  
инициатива



ГАСДЕ КЛАНГАН

## “Qashqadaryodonmahsulotlari” акциядорлик жамияти

### УСТАВИ

Карши шаҳри - 2014 йил

## **1 - модда. Умумий бўлим.**

1.1. «Qashqadaryodonmahsulotlar» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб аталувчи) Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб кувватлаш Кашкадарё вилояти бошкармасининг 2001 йил 4 декабрдаги 1310 -сонли буйруги асосида хусусийлаштириш оркали таъсис этилган.

«Qashqadaryodonmahsulotlari» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376 -сонли «Уздонмаҳсулот» Давлат акциядорлик корпорациясини «Уздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида»ги Қарори асосида қайта рўйхатдан ўтказилган.

1.2. «Qashqadaryodonmahsulotlari» акциядорлик жамияти Вазирлар Маҳкамасининг юкоридаги қарорига мувофиқ ўз акцияларининг 51-фоизига эгалик қилувчи «Уздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимига кирувчи жамият бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя килиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа конунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва Фармойишлари, «Уздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг қарор ва буйруклари ва ушбу Устав асосида иш юритади.

1.3. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя килиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва бошқа меъёрий хукукий хужжатлар асосида тузилган. Жамият бошқаруви фаолиятини меъёrlаштирувчи ички Низомлар билан ушбу Устав талаблари мос келмаган такдирда, ушбу Уставда кўрсатиб этилган меъёрий-хукукий ҳолатларга устунлик берилади.

1.4. Корхонанинг номланиши:

Лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги номи – «Qashqadaryodonmahsulotlari » aksiyadorlik jamiyat

Лотин алифбосига асосланган ўзбек тилида «Qashqadaryodonmahsulotlar» АЖ деб кискача номланади.

Кирилл алифбосига асосланган ўзбек тилидаги тилидаги тўлиқ номи – «Кашкадарёдоммаҳсулотлари» акциядорлик жамияти;

Кирилл алифбосига асосланган ўзбек тилидаги қиска номи – «Кашкадарёдоммаҳсулотлари » АЖ ;

Рус тилидаги тўлиқ номи – Акционерное общество «Кашкадарёдоммаҳсулотлари »;

Рус тилидаги қиска номи – АО «Кашкадарёдоммаҳсулотлари ».

1.5. Корхонанинг почта манзили: инд. 180006, Ўзбекистон Республикаси, Кашкадарё вилояти, Карши шаҳри , И.Муминов кўчаси, 68 уй.

1.6. Корхонанинг электрон почта манзили : qashqadaryo\_don@mail.uz

## **2 - модда. Корхонанинг юридик мақоми.**

2.1. Акциядорлик жамияти юридик шахс хисобланиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конунлари ва ушбу Устав асосида амалга оширади.

2.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси худудидаги ва уздан ташкаридаги банк муассасаларида хисоб ракамлари очиш хукукига эга, ўзининг мустакил балансида хисобга олинган алоҳида мол - мулкга эга.

2.3. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фукаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошна восьиталарга эга бўлишга ҳакли. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилда тўлик ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалок мухрга эга. Муҳрда бир вактнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

2.4. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига ҳамда амал килиш хукукига эга бўлади. Жамият чекланмаган муддатта тузилади.

2.5. Жамият *акциядорлик жамияти ёки масъулияти чеклансан жамият* шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин. Жамият ўзининг шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари билан ўзаро муносабатларини Ўзбекистон Республикасида амал килувчи Конунлар ва ушбу Устав асосида амалга оширади.

2.6. Жамият Ўзбекистон Республикаси худудида ва ташкарисида ўз филиаллари ва ваколатхоналарини очиши мумкин. Ушбу филиал ва ваколатхоналар амалда бўлган Конунлар доирасида ташкил этилади ва фаолият кўрсатади.

2.7. Жамият ўз мустакил балансида хисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.8. Жамият Конун хужжатларида ман этилмаган исталган фаолият тури билан Конун хужжатларида белгиланган тартибда шугулланини мумкин.

## **3 – модда. Жамиятнинг жавобгарлиги.**

3.1. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

3.2. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боялиқ заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар киймати доирасида коплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг хакини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегинчи акциялар кийматининг тўланмаган кисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

3.3. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш хукукига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг гайриконуний харакатлари туфали юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган таксирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

3.4. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг брғанларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

#### **4-модда. Жамият фаолиятининг соҳаси, мақсад ва вазифалари.**

##### **4.1. Кўйидагилар жамиятининг асосий мақсади хисобланади:**

- хужалик ва фермер хужаликлиридан дон маҳсулотини харид килиш, кайта ишлаш, ун маҳсулотлари, омухта ем ишлаб чикариш ва шу оркали дон кабул килиш корхонасининг иктисодий самарадорлигини кучайтириш ва фойда олиш;

- корхона иктисодий, молиявий холатини баркарорлаштириш, корхонада ишловчилар учун кулай, замонавий шароитлар яратиш, уларнинг иктисодий манфаатдорлигини кучайтириш;

- Ўзбекистонда дон маҳсулотини кабул килиш ва кайта ишилаш тизими ривожига муносиб хисса кушиш;

- халқ истеъмоли моллари ишлаб чикариш, бозор механизмини ривожлантириш, бозорда ракобатга бардошли, юкори сифатли маҳсулотлар ишлаб чикариш;

- Ўзбекистон Республикасида бозор инфраструктурасини барно тинни Ўзбекистон Республикаси худуди ва ундан ташкаридаги истеъмолчиларга бошқа хил халқ хўжалик истеъмоли молларини етказиб бериш;

- корхонани техник жиҳатдан жиҳозлаш, замонавийлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, корхонани ривожлантириш учун шартшароит яратиш.

4.2. Акциядорлик жамияти 4.1.-банд талабидан келиб чикиб, кўйидаги фаолият соҳаларини амалга оширади:

- дон маҳсулотини харид килиш ва кайта ишилаш юзасидан дон стиштирувчи кишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузиш;

- тузилган контрактация шартномаларига мувофик дон маҳсулотини харид килиш ва уни белгиланган режа-топширикларга мувофик ўз вактида кайта ишилаш, кабул килинган дон маҳсулотларини ички бозор истеъмолчиларига етказиб бериш;

- дон стиштирувчи хўжаликларни доннинг харидоргир бўлган навларининг юкори кондицияли уруглик дон билан таъминлани, дон маҳсулотини сифатли кабул килинishi, сакланиши ва кайта ишиланishi ташкил этиш;

- "Уздонмахсулот" АК томонидан ажратиладиган маблаглардан максадли фойдаланиш, дон кабул килиш ва юзасидан тузилган контрактация шартномаларига мувофик дон етишириувчи кишлок хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан белгиланган тартибда хисоб - китоб килиш;

- дон маҳсулоти харид килиш, ун, нон, омихта ем, уруглик дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга жўнатиш ва шу маҳсулотларнинг колдиклари бўйича хисоб-китоб ва хисобот юритиш, дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмлари, уни республика истеъмолчиларига сотини бўйича маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

- дон кабул кили шва сифатли саклаш корхонасини техник жиҳатдан кайта жиҳозлаш ва ривожлантириш билан шугулланиш;

- ўзаро самарали худудий ҳамкорлик, ташки иктисадий фаолиятни амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси худудида ва ташқарисида филиаллар, кўшма корхоналар, ваколатхоналар, ишлаб чиқарини цехлари таъсис этиш;

- шартнома асосида олий ўкув юртлари билан юкори малакали кадрлар тайёрлаш;

- инвесторлар билан шартнома асосида жамиятга хўжалик фаолияти учун самарали бўлган инвестициялар киритиш;

- Ўзбекистон Республикаси худуди ва ташқарисида юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар асосида ўзаро самарали фаолият кўрсатиш;

- Ўзбекистон Республикаси худудида мол - мулк, кўчмас мулк, интеллектуал мулклар олиш, сотини, ижарага бериш;

4.3. Акциядорлик жамияти ўзига юкландиган 4.1.-банддаги вазифалардан келиб чишиб, кўйидаги функцияларни бажаради:

- хизмат кўрсатувчи банк билан биргаликда дон маҳсулотларини харид килиш юзасидан дон етишириувчи кишлок хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузади, уларнинг бажарилишини таъминлайди. Кабул килинган доннинг микдори ва сифати бўйича маълумотларнинг ишончлилигини таъминлайди;

- уруглик донни кабул килиш, саклаш ва кайта ишлаш технологиясига риоя этилишини таъминлайди;

- корхонанинг банкда очилган маҳсус хисоб раками орқали, кишлок хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан белгиланган тартибда, донни кабул килиб, кайта тозалаш ва маҳсулотни сотини туталлангандан кейин, узил-кесил хисоб-китоб киласи;

- дон маҳсулотини республика истеъмолчиларига жўнатилишини таъминлайди;

- контрактация шартномалари бажарилиши, дон кабул килини корхонаси бўйича дон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва етказиб берилиши хажми юзасидан маълумотларни «Уздонмахсулот» АКенига уз вактида тақдим этади;

- инвестиция дастурларини амалга оширади, корхонани замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан кайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқариш кувватларини ишга тушириш бўйича иш хажмини бажаради;

- дон кабул килишнинг технологик жараёнига риоя этилишини ва дон маҳсулотлари билан ишланида ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминлайди;
- дон маҳсулотини харид килиш, ун, нон, омухта ем ва уруглик дон маҳсулотлари ишлаб чикариш, жўнатиш ва унинг колдиклари бўйича хисоб-китоб ва хисоботларни юритади ҳамда маълумотларни белгиланган тартибга мувофик давлат худудий статистика органларига ва «Уздонмаҳсулот» АК сига тақдим этади;
- жамият фаолияти самарадорлигини ошириш ва ишчи-хизматчиларни керакли кишлок хўжалик маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари билан таъминлаш максадида ушбу маҳсулотлар билан улгуржи савдо ва транспорт хизмати фаолиятини амалга оширади;
- халқ истеъмоли молларини ишлаб чикариш ва реализация килиши;
- ишлаб чикарилган халқ истеъмоли молларининг улгуржи ва чакана савдосини ташкил этиши;
- кишлок хўжалик, жумладан чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чикариш ва уларни сотиши;
- бичиш-тикиш цехларини ташкил этиш ва ишлаб чикарилган маҳсулотларни сотиши;
- жамият ходимлари учун даволаниш профилактория ва тиббий консультатив муассасаларни ташкил этиш (Ўзбекистон Республикаси согликини сақлаш Вазирлигининг руҳсатномаси олинган ҳолдагина)
- хусусий тижорат-веситачилик фаолиятини амалга ошириш, кичик ва кўшма корхоналар тармокларини, тижорат марказларини, майда улгуржи, веситачи ва чакана савдо дўконлари, савдо уйлари, улгуржи ярмаркаларни очиш;
- ишлаб чикарилган ўз маҳсулотлари ва вилоят худудидан ташкарида харид килинган маҳсулотларни сўмга ва валютага сотиши учун турли хилдаги савдо дўконлари ва умумий овкатланиш корхоналари очиш;
- Ўзбекистон Республикаси конун хужожатлари билан тақиқланмаган бошка фаолият турлари билан шугулланиш.

## 5-Модда. Жамият хукуки.

5.1. Акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикасининг конунларида белгилаб кўйилган барча хукукларга эга.

5.2. Акциядорлик жамияти ўз номидан шартномалар тузиш, мулк сотиб олиш ва шаҳсий мулкка оид хукукларга эга бўлиш мажбуриятларини бажариш, судда ва хўжалик судида даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиш. Ўзбекистон Республикаси конунларига хилоф бўлмаган бошка харакатларни бажариш ваколатларига эга.

5.3. Акциядорлик жамияти хукуклари:

- белгиланган конун чегарасида ердан ва бошка табиий ресурслардан фойдаланиши;
- тижорат шартномаси асосида банк ва товар кредитори фойдаланиши;
- пул маблағларини облигацияларга, банк сертификатларига бошка кимматли қоғозларга айлантириши;
- облигациялар ва бошка кимматли қоғозлар чикариши;

- меҳнатга ҳақ тўлашни икки томонлама ҳал килган холда фукароларни меҳнат шартномаси бўйича ишга жалб килиши;
- низомдаги масалаларни бажариш бўйича вактинча ижодкор жамоя ва айрим фукароларни ва хорижий мутахассисларни пулдат асосида шартнома бўйича ишга жалб қилиш ҳамда чет давлатларда тажриба ошириш ва улар билан ҳамкорлик қилиш учун мутахассисларни хизмат сафарига юбориш;
- ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш формаларини, тизимларини миқдор ва турларини, шунингдек бошка даромадларини аниклаш;
- маҳсулотларга, бажарилган ишларга (юк ташишга), хизмат ҳакига марказлашган холда давлат баҳо ва тарифлари белгиланган бўлмаса, уларни белгилаш, керак бўлган тақдирда имтиёзли тарифлар киритиш;
- хорижий шериклар билан ҳамкорликда ҳалқаро почта, телеграф, телетайп, телефон ва бошка алоқа воситаларидан фойдаланиш.
- жамият иктисадий салоҳиятини ошириш учун четдан инвестиция киритиш;
- тендер ва танловларда катнашиш;
- молиявий имконияти даражасида ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш;
- ўз ишчи - хизматчилари учун ижтимоий имтиёзлар кўпланиш;
- регионал ва ташки алокаларни ривожлантириш.
- ўз ваколатлари доирасида конун хужжатларида назарда тутилган бошка ваколатларни амалга ошириш.

5.4. Акциядорлик жамияти бошка корхоналар, уюшмаларнинг иштирокчиси ёхуд таъсисчиси бўла олади.

## **6-модда. Устав фондининг миқдори, акциялар ва уларнинг турлари, жойлаштирилиши.**

6.1. Акциядорлик жамиятининг Устав фонди унинг кредиторлари манфаатларини химоялаш учун кафолатлайдиган даражанинг энг кам миқдорини белгилайди ҳамда муомалага чиқарилган акцияларнинг номинал кийматидан ташкил топган. Жамиятнинг бир дона акциясининг номинал киймати беш минг сўмдан ортик бўлиши мумкин эмас.

6.2. Акциядорлик жамиятининг ҳар бир иштирокчиси жамиятнинг акциясига обуна бўлгандан ва уларнинг кийматини тўлиқ тўлаганидан кейин ушбу Уставдан келиб чиқадиган хукуқ ва мажбуриятларига эга бўлади ва бундан бўён "акциядор" деб аталади.

6.3. Акциядорлик жамияти мулки ташкил этилган Устав фондидан хўжалик фаолияти натижасида жамиятнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари, олинган даромадлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси конунчилигида йўл кўйилган бошка асосларга кўра сотиб олинган ўзга мулк хисобига ташкил килинади.

6.4. Жамият Устав фондининг миқдори 1065545037 ( Бир миллиард олтмини беш миллион беш юз кирк беш минг уттиз етти ) сўмни ташкил этиб, ҳар бирининг номинал киймати 643,90 сўмдан бўлган 1654830 дона эгасининг номи ёзилган акциялардан иборат бўлиб, акцияларнинг 165457 донаси оддий 260 донаси имтиёзли нақслез (хужжатсиз) акциялардан иборатdir.

Устаф фонди таксимоти кўйидагича:

- "Уздонмаксулот" акциядорлик компаниясига берилган давлат улуни 30,82 фоиздан иборат 328389000 сўмлик 510000 дона оддий акция,
- Давлат активларини бошқариш марказига берилган давлат улуни 61,70 фоиздан иборат 657458602,3 сўмлик 1021057 дона оддий акция,
- меҳнат жамоаси улуни 0,20 фоиздан иборат 2202138 сўмлик 3420 дона оддий акция,
- меҳнат жамоасига туловсиз берилган 0,02 фоиздан иборат 167414 сўмлик 260 дона имтиёзли акция,
- эркин савдо улуси 7,26 фоиздан иборат 77327882,7 сўмлик 120093 дона оддий акциядан иборат.

Акциянинг номинал киймати 643,90 сўмдан иборат.

6.5. Жамият акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий кимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли.

6.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) жамият уставида назарда тутилган микдорда шакллантиришининг энг кўп муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилиган пайтдан эътиборан бир йилдан ошинаслиги лозим.

6.7. Бирта оддий эгаси ёзилган акция акциядорларнинг умумий йигилишида бирта овоз хукукини беради.

6.8. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа кимматли қоғозларини жойлаштириши чогида уларга ҳак тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хукуклар (шу жумладан мулкий хукуклар) оркали амалга оширилади.

6.9. Жамиятнинг кўшимча акциялари ва бошқа кимматли қоғозларига ҳак тўлаш, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб кўйилади. Жамиятнинг кўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичida ҳак тўланиши лозим.

6.10. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳаки тўланаётган акциялари ва бошқа кимматли қоғозларининг номинал киймати конун хужжатларида белгиланган энг кам иш ҳакининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа кимматли қоғозларининг ҳаки сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

6.11. Акцияларни жойлаштириши, шу жумладан акциядорлар ўргасида жойлаштириши тўғрисида қарор қабул килишида акцияларни жойлаштириши (кимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташкири бозорига чиқариш) нархи жамият акциядорларининг умумий йигилиши ёки кузатув кенгаси томонидан, кимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

6.12. Жамиятнинг кўшимча акциялари ва бошқа кимматли қоғозларини жойлаштириши чогида уларга ҳак тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

6.13. Акциядорлик жамияти очик ва ёник турлардаги обуна оркали акцияларга айлантириладиган кимматли қоғозларни жойлаштириши ҳаклидир.

6.14. Жамият унинг хўжалик фаолияти билан бөглиқ зарар коплаш учун акциялар чиқаришга ҳакли эмас.

6.15. Акциядорлик жамияти акциялар, облигациялар ва Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги билан ман этилмаган бошка кимматли когоzlарни чикаришга хакли.

## 7-Модда. Устав фондини кўпайтириш ва камайтириш тартиби.

### Устав фондини кўпайтириш.

7.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал кийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

7.2. Кўшимча акциялар жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон килинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

7.3. Эълон килинган акцияларнинг энг катта микдори 1065545037 (Бир миллиард олтмиш беш миллион беш юз кирк беш минг уттиз етти) сўмлик, номинал киймати 643,90 сўмдан бўлган 1654570 дона эгаси ёзилган оддий нақдиз (хужжатсиз) акцияларни ва номинал киймати 643,90 сўмдан бўлган 260 дона имтиёзли нақдиз (хужжатсиз) акцияларни ташкил этади. Жамият келажакда шу кийматдан ошмаган микдорда кўшимча эълон килинган акциялар чикаришга ва жойлаштиришга хакли.

7.4. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг номинал кийматини ошириш йўли билан кўпайтириш тўгрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш хакидаги карорлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан ёки жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан кабул килинади.

7.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўгрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш хакидаги карорлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан ёки жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан кабул килинади.

7.6. Кўшимча акцияларни чикариш хисобига Устав фондини кўпайтириш, кимматли когоzlар чикарилуви тўгрисидаги карор ва эмиссия рисоласини тасдиқлан тўгрисида карор кабул килиш ваколати акциядорларнинг умумий йигилиши ёки Кузатув кенгashi томонидан амалга оширилади.

7.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўгрисидаги карорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

7.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилан кўшимча акцияларнинг номинал киймати микдорида рўйхатдан ўтказилади.

### Устав фондини камайтириш.

7.9. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал кийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини кискартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир кисмини кейинчалик бекор

килган холда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

7.10. Агар устав фондини камайтириш натижасида, жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартишларни рўйхатдан ўтказиш кунидан жамият устав фондининг микдори конун хужжатларида белгиланган энг кам микдордан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондини камайтиришига ҳақли эмас.

7.11. Устав фондини камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги карор акциядорларнинг умумий йигилишида кабул килинади. Устав фондини камайтириш тўғрисида карор кабул килган вақтда акциядорларнинг умумий йигилиши фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

7.12. Устав фондини камайтириш вактида жамият тутатилганида назарда тутиладиган акциядорларнинг манфаатларини химоя килиш шартларига риоя килинади.

7.13. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида карор кабул килинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор киласди. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бекаршишини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлик зарарларнинг ўрнини коплашини талаб килишга ҳақли.

## 8-Модда. Акциядорлар хукуклари ва мажбуриятлари.

### 8.1. Акциядорлар:

тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо хисобварагидан ўзига таалукли кўчирма олиш;

жамият фойдасининг бир кисмини дивидендлар тарзида олиш;

жамият тутатилган тақдирда ўзларига тегишли улушига мувофик молмукканинг бир кисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш оркали жамиятни бошкаришда иштирок этиши;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлик ва ишончили ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиши;

химматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат организда, шунингдек судда ўз хукукларини химоя килиш;

ўзига етказилган заарнинг ўрни копланишини белгиланган тартибда талаб килиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя килиш максалида уюшмаларга ва бошка нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

химматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлик таваккалчиликларни сугурта килиш хукукига эга.

Акциядорлар конун хужжатларига мувофик бошка хукукларга ҳам энг бўлиши мумкин.

8.2. Акциядор томонидан хукукларнинг амалга оширилини бонка акциядорларнинг хукуклари ва конун билан кўриктанади ан манфаатларини бузмаслиги лозим.

8.3. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Конун ва жамият уставига мувофик акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш хукуки билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофик жамият мол-мулкининг бир кисмини олиш хукукига эга.

8.4. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш хукукига эга эмас.

8.5. Имтиёзли акциялар бўйича тугатилиш киймати акцияларнинг номинал кийматига нисбатан 15 фоизгача белгиланади.

8.6. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йигилишида жамиятни кайта ташкил этиш ва тутатиш тўгрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш хукуки билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йигилишида жамият уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг хукукларини чеклайдиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўгрисидаги масалалар, шу жумладан аввалин навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг микдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш кийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш кийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш холлари ҳал этилаётганда овоз бериш хукукини олади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йигилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш хукуки билан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукузига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўгрисида карор кабус килинмаган ёки дивидендларни тўлик тўламаслик тўгрисида карор кабус килинган акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан кейинги йигилишдан бошлаб эга бўлади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йигилишида иштирок этиш хукуки мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлик микдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор килинади.

8.7. Акциядорлик жамияти акциядорлари унинг ташкил этилиши билан бояниш бўлган мажбуриятлар бўйича биргаликда жавобгардирлар ва кўйилагиларга мажбурлар:

- ушбу Уставда кўзла тутилган тартибда, микдорда ва усулларда акцияларнинг пулинин тўлашига;

- ушбу Уставда ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида ўрнатилган тартибда акциядорлик жамиятини бошкарнига иштирок этишига;

- Акциядорлик жамияти фаолияти тўгрисида маҳфий ахборотларни ошкора килмасликка.

## 9-Модда. Даромад(фойда), дивидендларни тақсимлаш ва заарларни коплаш тартиби.

9.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўргасида тақсимланадиган кисмидир.

9.2. Жамият акцияларнинг хар бир тури бўйича эълон килинган дивидендларни тўлаши шарт. Дивиденд акциядорлар ўргасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши карорига кўра пул маблағлари ёки бошка конуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг кимматли козозлари билан тўланиши мумкин. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни кимматли козозлар билан тўланишга йўл кўйилмайди.

9.4. Имтиёзли акцияларга акция номинал кийматининг 15 фоизигача дивиденд туланиши белгилансин.

9.5. Акцияларнинг хар бир тури бўйича дивидендлар тўлани, дивиденднинг микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўгрисидаги карор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий хисоботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик холосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий хисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул килинади. Дивидендларнинг микдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган микдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йигилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўгрисида, шунингдек имтиёзли акциялар бўйича тўлик бўлмаган микдорда дивидендлар тўлаш ҳакида карор қабул килишга ҳакли.

9.6. Дивидендлар тўлаш тўгрисидаги карорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

9.7. Агар дивидендлар тўлаш окибатида акциядорлик жамиятнинг молия-хўжалик ахволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш тақиқланади.

9.8. Дивидендлар жамият тасарруфида қоладиган соф фойладан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

9.9. Дивидендлар тўлаш муддати шундай карор қабул килинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

9.10. Дивидендларни тўлаш чогида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича катъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли микдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳакли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаф килиши мумкин. Жамият етарли микдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишилаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамият томонидан жамиятнинг факат шу максад учун ташкил этилган захира фонди хисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланишини мумкин.

9.11. Эгаси ёки эгасининг конуний ҳуқукий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичida талаб килиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши карорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

9.12. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўгрисида карор қабул килинган акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида кайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқукига эга.

### 9.13. Жамият:

- жамият устав фондининг (устав капиталининг) хаммаси унинг таъсие этилиши чогида тўлик тўлаб бўлингунига кадар;
- агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;
- агар жамият соф активларининг киймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўгрисида карор кабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳакли эмас.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият хисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

9.13. Жамият дивидендларнинг микдорини улардан ундириладиган сбликларни инобатга олмаган ҳолда эълон килади. Жамият тўланадиган дивидендлар микдори тўгрисидаги маълумотларни кимматли когозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида конун хужжатларида белгиланган муддатларда эълон килади.

## 10-модда. Жамиятнинг захира ва бошка фондлари.

10.1. Жамиятда унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган микдорда захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди юкорида кўрсатиб ўтилган микдорга етгунига кадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар оркали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг микдори захира фонди белгиланган микдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

10.2. Жамиятнинг захира фонди жамиятнинг заарлари ўрнини кооплаш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаши ва жамиятнинг акцияларини кайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошка максадларда фойдаланиш мумкин эмас.

10.3. Жамият соф активларининг киймати бухгалтерия хисоби маълумотлари бўйича, жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аникланади.

10.4. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йигилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофик жамият соф активларининг киймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чикса, жамият ўз устав фондини (устав капиталини) соф активлари кийматидан ошиб кетмайдиган микдоргача камайтириши шарт.

10.5. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йигилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофик жамият соф активларининг киймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) Конунда белгиланган устав фондининг энг кам микдоридан оз бўлиб чикса, жамият ўзининг тутатилиши ҳакиби карор кабул қилиши шарт.

## **11-Модда. Жамиятни бошқариши. Бошқарув тузилмаси.**

- 11.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи жамиятнинг бошқарув органларидир.
- 11.2. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юкори бошқарув органидир.
- 11.3. Акциядорларнинг умумий йигилишига хисобдор жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва жамият ижроия органи хисобланади.
- 11.4. Жамият кузатув кенгашига хисобдор, ички аудит хизмати ва жамият ижроия органи хисобланади.
- 11.5. Жамият ижроия органига хисобдор директорнинг ўринбосарлари, жамият бош инженери, жамият бош хисобчиси, жамият таркибий бўлинмалари бошлиги хисобланади.

### **Акциядорлар умумий йигилиши.**

- 11.6. Акциядорларнинг умумий йигилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи жамиятнинг бошқарув органларидир.
- 11.7. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юкори бошқарув органидир.
- 11.8. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши молия йили тугаганидан кейин ойдан кечиктирмай ўтказилади.
- 11.9. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташкари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташкари йигилишлардир.
- 11.10. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йигилиш ўтказилиши ҳакида акциядорларга хабар берин тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вактида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.
- 11.11. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига кўйидагилар киради:
  - жамият уставига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳирдаги уставини тасдиқлаш;
  - жамиятни қайта ташкил этиш;
  - жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
  - жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш;
  - эълон килинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
  - жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўнайтириши;
  - жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириши;
  - ўз акцияларини олиш;
  - жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш;

жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайланва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўгрисидаги низомни тасдиқлаши;

жамиятнинг йиллик хисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаши;

жамиятнинг фойдаси ва заарларини таксимлаши;

жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир конун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг хисобтларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисини) хулосаларини эшлиши;

жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳаки пул маблаглари билан тўланадиган эмиссиявий кимматли когозларни жойлантиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг имтиёзли хукукларини кўлламаслик тўгрисида карор кабул килиши;

акцияларни жойлаштириш (кимматли когозларнинг биржа бозорига ва ўюшган биржадан ташкари бозорига чикариш) нархини белгилани;

акцияларни майдалани ва йириклини;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳак ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юкори микдорларини белгилаши;

жамият томонидан йирик битимлар тузиш, аффиланган шахслари билан битимлар тузиш тўгрисида карор кабул килиши;

хомийлик масалалари бўйича карор кабул килиши;

конун хужжатларига мувофик бошка масалаларни ҳал этиши.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал килиши учун берилиши мумкин эмас

11.12. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал килиши учун берилиши мумкин эмас, куйидаги масалалар бундан мустасно:

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлик ўзгартиш ва кўшимчалар киритиши;

акцияларни жойлаштириш (кимматли когозларнинг биржа бозорига ва ўюшган биржадан ташкари бозорига чикариш) нархини белгилани;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлан (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳак ва компенсациялар микдорларини белгилаши;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаши.

11.13. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши хукукига акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан учни куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида кайд этилган акциядорлар эга бўлади.

11.14. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказини тўгрисидан хабар акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камчад етти кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин жамиятнинг

расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон килинади, шунингдек акциядорларга электрон почта оркали юборилади. Жамият давлат вакилини акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин ёзма шаклда хабардор килиши шарт.

11.15. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йигилиш ўтказиладиган сана, вакт ва жой;

жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йигилиш кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йигилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгандага акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

11.16.Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгандага акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик хисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамият кузатув кенгашининг директор, ишончли бошкарувчи билан тузилган шартноманинг амал килини муддатини узайтириш, шартномани кайта тузиш ёки бекор килини мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгashi хамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойихаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойихаси киради.

11.17.Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгандага жамиятнинг кузатув кенгashi, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Конун 65-моддасининг ўн биринчи кисмида назарда тутилган холларда эса, умумий йигилишни чакиравчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

умумий йигилиш ўтказиладиган сана, вакт ва жойни;

умумий йигилишнинг кун тартибини;

умумий йигилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йигилиш ўтказилиши хакида акциядорларга ва давлат вакилига хабар килиш тартибини;

умумий йигилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгандага акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакди ва матнини.

11.18. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик килувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўтиз кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритишга хамда жамият кузатув кенгashi ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу организмикдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатилига ҳакли.

Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтии комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказилиши тўгрисидаги хабар эълон килинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳакли.

11.19. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўгрисида карор кабул килинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўтгиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

11.20. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукуки акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили оркали амалга оширилади. Давлат вакилининг умумий йигилишида иштирок этиш хукуки шахсан унинг ўзи томонидан амалга оширилади.

Акциядор акциядорларнинг умумий йигилишидаги ўз вакилини истаған вақтда алмаштиришга ёки йигилишда шахсан ўзи иштирок этинига ҳаклидир.

11.21. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такорий умумий йигилишини ўтказиш санаси эълон килинади. Акциядорларнинг такорий умумий йигилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл кўйилмайди.

11.22. Акциядорларнинг ўтказилмай колган йигилиши ўринига чакирилган такорий умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами кирк фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такорий умумий йигилиши ваколатли бўлади.

11.23. Акциядорларнинг умумий йигилишида овоз беринш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайланб бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

11.24. Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши жамият кузатув кенгашиниң карорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчинининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камидан беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчинининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидан беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини ўтказиш ҳакида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўтгиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини ўтказиш тўгрисидаги талабда йигилиш кун тартибига киритилиши керак бўлади

масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган холда таърифланган бўлиши керак.

11.25. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чакириладиган акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳакли эмас.

11.26. Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик килувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичидаги жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўғрисида ёки йигилишини чакиришни рад этиш тўғрисидаги карор куйидаги холларда қабул килиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакиришни талаб килаётган акциядор (акциядорлар) жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизи эгаси бўлмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси хам акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофик бўлмаса.

11.27. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўғрисидаги карори ёки бунтайдиги йигилишини чакиришни рад этиш хакидаги асослантирилган карори йиғилиш чакиришни талаб килган шахсларга карор қабул килинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакиришни рад этиш тўғрисидаги карори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

11.28. Йигилишда овозга кўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йигилишининг карори, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йигилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул килинади.

11.29. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Қонун 59-моддаси биринчи кисмининг иккинчи тўртинчи, олтинчи ва ўн тўртинчи хатбошиларида хамда 84-моддасининг иккинчи ва учинчи кисмларида кўрсатилган масалалар бўйича карор акциядорлар умумий йигилиши томонидан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч кисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул килинади.

11.30. Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича карор қабул килишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳакли эмас.

11.31. Акциядорларнинг умумий йигилишини томонидан кабул килинган карорлар, шунингдек овоз бериш якунлари бу карорлар кабул килинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

11.32. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади.

Ҳар иккала нусха ҳам умумий йигилишда раислик килувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йигилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилган сана, вакт ва жой;

жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик килувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йигилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йигилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йигилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йигилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий тоидалари, овозга кўйилган масалалар хамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йигилиш кабул килган карорлар кўрсатилиши лозим.

## 12-модда. Акциядорлик жамият кузатув кенгаши.

12.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятида умумий раҳбарлик килади, жамият устави билан акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

12.2. Акциядорлар умумий йигилишининг карорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг микдорлари акциядорларнинг умумий йигилиши карорида белгиланади.

12.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилани;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чакириш, бундан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқукларини химоя килиш тўғрисида»ги Конун 65-моддасининг ўн биринчи кисмида назарда тутилган холлар мустасно;

акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойни белгилани;

акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳакида хабар килиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилани;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқукларини химоя килиш тўғрисида»ги Конун 59-моддаси биринчи кисмининг иккинчи хатбонисида

**ЮРИДИК ШАХСНИНГ ДАВЛАТ РУЙХАТИДАН  
УТКАЗИЛГАНЛИГИ ХАКИДА**

**ГУВОХНОМА.**

Реестр № **3294**

№ **0000 420**

2014 йил «**18**» **II**

Мазкур гувохнома **“OASHQOADARYODONMAHSULOTLARI”**  
(давлат тилидаги тулик номи)

**aksiyadorlik jamiyati**

(юридик шахс дехкон хужаликлари, фермер хужаликлари ажратилган ер участкаси ва унинг

юридик шахсга берилади  
майдонни курсатилади.)

Ташкилий-хукукий шакли:

ТХШТ

**1150**

МШТ

**144**

МХБТ

**1710401**

КТУТ

**00392833**

ХХТУТ

**19211**

СТИР

**200670475**

Солик туловчининг идентификацион раками:

Кушимча мэддумотлар: *Аввал, Карши шахар хокимлиги хузуридан тафбиркорлик субъекттарини руихатдан утказиш инспекциясининг 2013 йил 6 марта даги № 2168-сони реестр раками билан «OASHQOADARYODONMAHSULOTLARI» очик акциядорлик жамияти сифатида кайта руихатдан утказилган.*



Инспекция доилиги:

*Ш.Мустафаев*

Ш.Мустафаев